**Ушбу сонда:**

2 *Қонун барчага баробар* ФЕРМЕР ЕРИ ХЎЖАЛИККА ҚАЙТАРИЛДИ

3 ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

4 ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2003 йил 20 май, сешанба № 78 (1503)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Шу сонга хабар*

## ПИЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

Қарши туман пиллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга пилла топшириш шартномавий режасини бажардилар. Заршунослар 190 тонна ўрнига 191 тонна юқори сифатли хомашё етказиб бердилар. Эришилган муваффақиятга тумандаги Яхши Омонов, Юсуф Хушвақтов, Чўли ота, Собир Раҳимов номли, «Бешкент», «Истиқбол» хўжалик пиллакорларининг муносиб ҳиссалари бор.

— Бу йил баҳорда янгидан 120 минг дона тут кўчатлари ўтқазилди, - дейди туман «Пилла» очиқ акционерлик жамияти раиси Очил Гулов. — Шунингдек, 1130 гектар тут плантациялари мавжуд. Ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланилганлиги боис, ипак қуртини боқишда ҳеч қандай муаммога дуч келинмади. Натижада мўл ҳосилга ҳам пойдевор яратилди.

Давлатга пилла топшириш давом этмоқда.

**НУРБЕК**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 май куни Оқсаройда Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маргарита Пониверни қабул қилди.***

- Италия билан ривожланиб бораётган муносабатларимизни юксак қадрлаймиз, - деди Ислом Каримов учрашувда. -Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида Италиянинг Ўзбекистонга кўрсатган эътибори ёдимизда. Мамлакатларимиз ҳозир кўплаб халқаро масалаларда ҳамфикр эканлиги ҳам ғоят муҳимдир.

Мамлакатимиз раҳбари 1996 йили Флоренцияда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганини мамнуният билан эсга олди. Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистоннинг мазкур тузилма билан алоқалари тарихида бурилиш босқичи бошланган, кенг кўламли ҳамкорликка тамал тоши қўйилган эди.

Ўзбекистон билан Италия ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириб бормоқда. Мамлакатимиз қатор халқаро ташкилотларга Италия томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади. Италия вакиллари эса Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган барча минтақавий ва халқаро анжуманларда фаол қатнашиб келади.

Иқтисодий соҳада ЕИ билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, бож ва бошқа тўловлар бўйича қулай тартиб-қоидалар жорий этилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда саноат ва технология борасидаги алоқалар ривожига кўмаклашиш мақсадида махсус Ишчи гуруҳи ташкил этилган.

Учрашувда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.***

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликда қонунчилик, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон ҳамда ЕИ парламент демократиясини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари муҳофазасини такомиллаштириш ва қатор бошқа соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этди.

Музокара давомида «Ўзбекистон-ЕИ» парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг шу йил 21 май куни Самарқандда бўлиб ўтадиган тўртинчи мажлиси давомида кўрилажак масалалар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Мазкур қўмитанинг илк мажлиси 2000 йил июнда Брюссел шаҳрида бўлган эди.

«Ўзбекистон-ЕИ» парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг йиғинларида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Европа парламенти вакиллари қатор вилоятларга сафар қилиб, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бевосита танишади.

Европа парламенти аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлди. Меҳмонлар мамлакатимизда фаолият юритаётган ноҳукумат ташкилотлар вакиллари билан ҳам учрашди.

**(ЎзА)**

# ХАЛҚАРО МАЙДОНГА ПИЛЛАПОЯ

***Хоразмдан махсус мухбирларимиз Эркин ЭРМАТОВ ва Абдулҳай Юнусов хабар қилади.***



Хоразмда давом этаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида бир неча турлар бўйича баҳслар ниҳоясига етди. Қизиқарли ўтган мазкур беллашувларда ўнлаб иқтидорли ёш спортчилар кашф этилди.

Урганч шаҳридаги «Олимпия» ўйингоҳида бўлиб ўтган енгил атлетика мусобақалари ғоят муросасиз кечди. Ядро улоқтириш баҳсларида тошкентлик Юлия Тарасова энг яхши натижа кўрсатиб, мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. Шу тариқа яккалик баҳсларидаги илк ғолиб спортчи аниқланди. Шунингдек, Юлия бу билан чекланиб қолмади: у югуриш баҳсларида ҳам қатнашиб, ўз жамоаси медаллар жамғармасига яна бир олтин медални туҳфа этди. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда эса Ў.Файзиматов (Фарғона вилояти), М.Ганчаров (Самарқанд вилояти), О.Маҳкамов (Тошкент вилояти)лар шоҳсупага кўтарилдилар.

110 метр масофага тўсиқлар оша югуришда тошкентлик Евгений Сигбатуллин ғолиб чиқди. 1500 метрга югуришда эса Амир Гарифуллинга тенг келадиган рақиб топилмади. Қизлар ўртасида шу масофага югуриш бўйича Ирина Мороз (Андижон вилояти) 4:39.2 натижа кўрсатиб, фарғоналик рақиби Екатерина Тутусковани ортда қолдирди. Шунингдек, 400 метрга югуришда Екатерина Похоменко ва Даниэл Попов зафар қучди. Шундай қилиб, енгил атлетика баҳсларида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, самарқандликлар иккинчи, Фарғона вилояти вакиллари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Миллий кураш баҳслари Урганч Давлат университети спорт залларида бўлиб ўтди. Олишувлар етти вазн тоифасида ўтказилиб, шундан бештасида хоразмликларнинг



қўли баланд келди. Жумладан, Шуҳрат Қурбонов (55 килограмм вазнда), Сардорбек Абдураимов (60 кг.), Мадамин Рўзиметов (65 кг.), Нурбек Искандаров (77 кг.) ва Жасурбек Болтаев (мутлоқ вазнда) Паҳлавон Маҳмуднинг ҳақиқий издошлари эканликларини исботлашди. Шунингдек, 50 килограммликлар ўртасида навоийлик Исмоил Қурбонов, 71 килограмм вазн тоифасида қорақалпоғистонлик полвон Низомиддин Хўжабоев барча рақиблари елкасини ерга теккизишга муваффақ бўлишди.

Биз ёш полвонлар иштирокидаги беллашувларни кузатаётган таниқли спортчи, икки карра жаҳон чемпиони Баҳром Авазовни суҳбатга чорладик.

– Мусобақа менда жуда илиқ таассурот қолдирди, катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, хоразмлик ёш полвонларнинг маҳорати маъқул келди. Улар ажойиб натижаларни қўлга киритишди. Бугун кураш гиламларида бел олишган ёш полвонлар келажакда жаҳон майдонларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар, деб умид қиламан. «Умид ниҳоллари»нинг келгусида илдизи бақувват чинорларга айланишига ишончим комил.

Мусобақа дастуридан ўрин олган белбоғли кураш беллашувлари ҳам ниҳоясига етди. Унда умумжамоа ҳисобидан андижонлик ёш курашчилар ғолиб чиқдилар. Кейинги ўринларни эса Фарғона ва Наманган вилоятлари вакиллари эгаллашди.

Спортнинг энг нафис турларидан бири ҳисобланган бадиий гимнастика мусобақалари ҳам ниҳояланди. Шахсий биринчилик баҳсларида Рита Алимова, Ульяна Трофимова, Раъно Муҳаммедовалар совриндорлар сафидан жой олишди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу спорт тури бўйича илк маротаба мусобақалар ташкиллаштирилган бўлсада, мутахассислар ҳамда кўп сонли мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Шоҳмот мусобақалари Шовот маиший хизмат коллежида бўлиб ўтмоқда. Бешинчи турдан сўнг Тошкент шаҳри жамоаси 4,5 очко жамғариб биринчи ўринда бормоқда. Кейинги ўринларни Тошкент ва Хоразм вилоятлари шоҳмотчилари банд этиб туришибди.

Мусобақанинг энг қизғин беллашувлари «миллионлар ўйини» – футбол ўйинларида кузатилмоқда. Тўрт гуруҳда ташкил этилган футбол ўйинларида энг омадли жамоалар чорак финалга йўл олишди. Хусусан, «А» гуруҳидан – Бухоро, Наманган, «В» гуруҳидан – Тошкент шаҳри, Жиззах, «С» гуруҳидан – Хоразм, Қашқадарё, «Д» гуруҳидан – Тошкент ва Навоий вилоятлари жамоалари кейинги босқичда иштирок этишмоқда. «Хонқа» ўйингоҳида ўтказилган Бухоро – Қашқадарё учрашувида бухоролик футболчиларнинг қўли баланд келди. Мусобақа мезбонлари Наманган жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги ўйинларда Тошкент шаҳри ва вилояти, Навоий ҳамда Жиззах жамоалари ярим финал йўлланмаси учун баҳс олиб боришади.

*Мусобақалар давом этмоқда.*

*«Ишонч»да босилгандан сўнг*

***«Ишонч» газетасининг 2003 йил 8 апрел сонида чоп этилган «Жазо — Меҳнат қонунларига зид» сарлавҳали мақола Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ўрганилиб чиқилди.***

## ЎЗ ВАЗИФАСИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Ўрганишлар давомида Қибрай тумани суд тиббий экспертиза бўлинмаси мудири лавозимида ишлаб келган Р.Тожиқулов вилоят суд тиббий экспертизаси бюроси бошлиғининг буйруғи билан ўз вазифасига қайта тикланди ва ходимнинг мажбурий бекор юрган вақтлари учун барча тўловлар амалга оширилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг шу йил 25 мартдаги Р.Тожиқуловни эгаллаб турган лавозимига тиклаш тўғрисидаги буйруғини бажармаганлиги учун, вилоят суд тиббий экспертизаси бошлиғи М.Ҳайдаровга ҳайфсан эълон қилинди.

**А.ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари**

# «БОЙСУН БАҲОРИ»НИ ДУНЁ БИЛАДИ

***Уч кун давом этган анъанавий «Бойсун баҳори» очиқ халқаро фольклор фестивали ниҳоясига етди. Фестивал ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилган Бойсун туманида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва унга яқин хорижий давлатлардан келган таниқли фольклоршунос олимлар, этнографлар, маданият арбоблари, фольклор дасталари, бахшилар, раққосалар, қўшиқчи-лапарчилар, халқ миллий ҳунармандчилиги усталари, каштачи-зардўзлар, либос дизайнерлари иштирок этди.***



Тоғ тераклари шовуллаб турган, ўнлаб ўтовлар тикилган «Бойсунтоғ» этнофольклор боғи амфитеатрида катта санъат байрами ўтказилди.

Уч кун давомида Бойсун ва мамлакатимиз вилоятлари фольклор дасталари истиқлол шарофати туфайли тикланаётган ва дунё аҳли эътиборини қаратаётган миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодининг бетакрор жозибасини кўз-кўз қилди.

Фестивал бошланиши олдидан Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Бойсун баҳори» доирасида Марказий Осиё республикалари бахши-шоирлари ва оқинларининг анъанавий халқаро кўрик-фестивали ўтказилиб, унда элликка яқин бахши-шоир, оқин иштирок этди. Сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев, Шодмон Хўжамбердиев, Бобораим Маматмуродов, хоразмлик Норбек Абдуллаев, Етмишбой Абдуллаев, қашқадарёлик Қаҳҳор Раҳимов, тошкентлик Жумабек Субанов каби бахшилар, Ёқутжон Нуриддинова, Интизор Юсупова каби хоразмлик халфалар ҳамда қорақалпоғистонлик жиров Бахберген Сиримбетов, жиззахлик оқин Бейсенбай Уразбоев Бойсунда ҳам достон ва термалар айтиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди.



Томошабинлар «Бойсун» фольклор-этнографик халқ дастаси, «Қуралай» болалар фольклор-этнографик халқ дастаси, Бойсун мусиқа мактабининг «Гулғунча» фольклор дастаси, Сариосиё туманининг «Зевари», Шўрчи туманининг «Булбулигўё» фольклор-этнографик халқ дастасининг чиқишларини олқишлар билан кутиб олди.

Қўшни Тожикистон Республикаси «Боязи Кухистон», Қорақалпоғистоннинг «Аму тўлқини», Бухоронинг «Мардона» каби фольклор-этнографик халқ дасталари ижросидаги миллий, ўзига хос қўшиқ ва лапарлар барчага манзур бўлди. Бир неча йиллардан буён ўзбек ва тожик рақс санъатини ўрганаётган швейцариялик К.Даниэлла ижросидаги рақслар томошабинларга айрича завқ-шавқ бағишлади.

Фестивал доирасидаги либослар дизайни кўригида бойсунликлар асрлар оша қадрлаб, асраб-авайлаб келган ўн етти либос намойиш этилди. Айниқса, «Минг бир кеча», «Наврўз камалаги», «Бойсун лоласи», «Шаҳризоднинг кўз ёшлари» каби либосларга қизиқиш катта бўлди. Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам томошабинлар диққат марказида бўлди.

Бойсуннинг фусункор табиати, Сайробнинг асрий чинорлари, Тўда қишлоғининг тоғ манзараларини томоша қилган, Омонхона санаторийсининг шифобахш сувларидан ичган хорижлик меҳмонлар, фестивал қатнашчилари бир неча туманларда бўлиб, Сурхон элининг турмуш тарзи, уларнинг бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Фестивал миллат маънавиятининг ўзига хос кўзгуси бўлган халқ оғзаки ижоди ўз табиатига кўра халқ ҳаётига энг яқин санъат тури бўлгани боис барча халқлар учун бирдек тушунарли ва қадрли эканини намойиш этди.

**Ч.ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# МЎЪЖИЗА ЯРАТГАН ҚЎЛЛАР

*Бир Фармон шарофати*

Йиллар давомида Самандар Сапаев Боғот туманида билимдон агроном, ташкилотчи раис, фидойи деҳқон сифатида кўпчиликка танилганди. Олийгоҳни битказиб келгач у иш фаолиятини ўзи туғилиб ўсган «Ғалаба» жамоа хўжалигида участка агрономлигидан бошлаган, кейинчалик бош агроном, туман қишлоқ хўжалик бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлади. Кейин бир неча йиллар «Ғалаба» ва «Тошкент» жамоа хўжаликларини бошқарди. Ҳамқишлоқлари унинг раислик даврида деҳқончилик маданияти юксалганини, ишлаб чиқаришда янги технологиялар жорий қилинганлигини, пахта йиғим-теримида механизация ҳал қилувчи рол ўйнаганини, гектар ҳосилдорлиги юқори бўлганини ҳалигача айтиб юришади. Мураббий янгиликака ўч. Самандар ака ўша йиллари сиҳатгоҳда дам олиб қайтаркан ўзи билан 20 килограмм серҳосил маккажўхори уруғидан олиб келади. Аста-секин уруғ кўпайтирилиб, уч йилдан кейин хўжаликнинг 100 гектар ерига экилади ва шунинг ўзидан хўжалик катта даромадли бўлди. Бу маблағ меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилишга, қишлоқни обод қилишга сарфланди.

Самандар Сапаев фахрийликка чиққандан сўнг, Юртбошимизнинг фермерчилик ҳаракатини кучайтириш тўғрисидаги Фармонига кўра 1990 йили Боғотда биринчилардан бўлиб фермер хўжалигини юрита бошлади. Унга етти гектар ер ажратилди. Бу ерларнинг асосий қисми кўл ўрни ва этаклари эди. Дастлабки йили шоли ҳосилдорлиги паст бўлди. Ер билан тиллаша оладиган тадбиркор келгуси йилдан ернинг мелиоратив ҳолатини ҳамда тупроқ унумдорлигини яхшилаш мақсадида зовур қаздирди, маҳаллий ўғит, қум келтирди. Натижада иккинчи йили ташландиқ ерларда шоли, жўхори, дуккакли экинлардан етарли ҳосил олинди. Учинчи йилдан бошлаб эса бу ерларни ҳеч ким кўл ўрни деб атамайдиган бўлди.

Энди бу ерларда фермер хўжаликка катта даромад келтирадиган пахта ҳам етиштирила бошланди. Кейинги йилдан бошлаб Самандар ака бошқарган фермер хўжалик давлатдан олган қарзини тўлаб бўлди.

Таъкидлаш жоиз, у фермер хўжалик аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор қаратган. Улар ойлик маошларини вақтида олишларини таъминлаб келмоқда. 1994 йилдан бошлаб фермер хўжалиги туманда энг илғорлар сафидан ўрин олиб, хўжалигини кенгайтириб бораётир. Ҳозир хўжалик иккита ҳайдов, тўртта суриш трактори, комбайн ва прицепларга эга. Фермернинг 50 бош қорамоли бўлиб, шундан 20 боши соғин сигирлардир. Шунингдек, қўйчилик ва паррандачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилган. Қишлоқда ягона сут маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўкон ҳам уларники.

— Ерни эъзозлаш керак,- дейди С.Сапаев, - Шуни айтиш зарурки, буғдойдан кейин ширкат хўжалиги ерларининг бир қисми экилмасдан қолади. Фермер эса ернинг бўш туриб қолишига йўл қўймайди.

Омилкордан режалар ҳақида сўрадик.

— Ўтган йили пахта тайёрлашни октябр ойидаёқ уддаладим. Беш гектар ернинг ҳар гектаридан 46 центнердан ҳосил йиғиб олдим. Хомашёнинг барчаси биринчи навларга сотилди, - деди Самандар ота.

Бундан ташқари, етакчи фермер буғдойдан 60 центнер, шолидан иккинчи экин сифатида 50 центнердан ҳосил олди. Сут ва гўшт тайёрлаш бўйича ҳам шартнома шартлари ошириб бажарилди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида куйди-пишди бўлаётган отахоннинг чеҳрасига тикилиб, унинг ғайрат ва интилиши зўрлигини ҳис қилиш қийин эмас. Самандар отанинг яна бир эзгу режаларидан бири маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуришни мўлжалламоқда.

**В. ПРУТЯН,**
**журналист**

*Хотин-қизлар меҳнати муҳофазаси*

**Наманган вилояти хотин-қизлари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Аёллар меҳнатини қадрлаш ва саломатликларига зиён етмаслик, шунингдек, болаларининг ҳам соғ-саломат вояга етишлиги йўлида қандай ишлар қилинмоқда?**

# КАЙФИЯТ ҚАЛАЙ, СИНГИЛЖОН?

Таъкидлаб ўтиш жоизки, касаба уюшмалари бу масалани бош вазифа сифатида белгилаганлар, - деди шу мавзуда суҳбатлашганимизда Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг раиси Анваржон Набиев. Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномаларида ишчи меҳнатининг бехатарлиги, хусусан, хотин-қизлар учун иш шароитларида маълум имтиёзлар яратиш бўйича қатор бандлар киритилган. Жумладан, ишловчи аёллар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тунги сменаларга уларни қўймаслик, саломатликлари учун алоҳида қайғуриш, болалик оналарга ҳар тарафлама енгилликлар ва қулайликлар жорий этиш, иш соатини қисқартириш ва шу сингари қатор имтиёзлар қўлланиб келинмоқда.

Саноат корхоналарида бу борадаги аҳвол билан танишсангиз чиндан ҳам қўмита раиси айтганлари амалда ўз исботини топганлигига гувоҳ бўласиз. Масалан, «Наманганбтекстил» акционерлик жамиятида меҳнат қилаётган 6500 нафарга яқин ишчи-хизматчининг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар корхона томонидан ажратилган автобуслар билан таъминланган. Бундан ташқари, меҳнат қилаётганлар учун зарур қулайликлар яратилган. Тушликнинг ярми корхона томонидан қопланади. Мавжуд уч фабриканинг ҳар бири қошида шаҳар умумий овқатланиш тармоқларидагидан қолишмайдиган ошхоналар ишлаб турибди.

Хотин-қиз ишловчилар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Улар саломатлиги корхона қошидаги тиббиёт шохобчаси томонидан тез-тез кўрикдан ўтказиб турилади. Шахсий гигиена хоналари ташкил этилган. Худди шу ерда «Аёллар маслаҳатхонаси» ҳам фаолият кўрсатади. Кам қонли хотин-қизлар алоҳида ҳисобга олиниб, зарур дори-дармонлар билан таъминлаб борилади. Корхона қошидаги спорт иншоотида жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун ҳамма шароит бор. Меҳнат таътилига чиққанларга вилоят ва марказий сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилади. Чунончи, ўтган йилда юз нафарга яқин хотин-қиз, мингга яқин ўқувчи болалар сиҳатгоҳларда бўлиб, саломатликларини мустаҳкамлаб қайтдилар.

Уйчи ип йигирув-тўқув акционерлик жамияти ва Наманган шаҳридаги «Нотўқимачи» корхонасида ҳам бу масала диққат-эътиборда. Вилоятнинг бошқа саноат корхоналарида бўлгани каби бу ерларда ҳам хотин-қизлар иш вақти бир соатга қисқартирилган.

Аёллар меҳнатини қадрлаш борасида қўшма корхоналарда амалга оширилаётган тадбирлар, айниқса, диққатга сазовор. «Поп-Фен», «Косонсой-Текмен», «Силк-Роад», «Аснамтекстил» қўшма корхоналарида хотин-қизлар учун қатор имтиёзлар ва қулайликлар жорий этилган. Аввало, ноқулай ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган хотин-қизларнинг иш ҳақларига жамоа шартномаси ва меъёрий ҳужжатларга асосан 4 фоиздан 8 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлганларга белгиланган меъёрларда махсус кийим-бош, пойафзал, ҳимоя воситалари бериб бориш йўлга қўйилган. Ўтган йили махсус кийим-бош учун вилоят 64 миллион 392 минг сўм, алоҳида махсус ишларда банд бўлганларга бериладиган сут учун 24 миллион 507 минг сўм маблағ сарфлади.

Корхоналар касаба уюшма қўмиталари қошида меҳнат муҳофазаси комиссиялари ва вакиллари гуруҳи тузилган бўлиб, улар ўз йиғилишларида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш масалаларини вақти-вақти билан кўриб борадилар. Бу борада аниқланган нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайдилар. Шунингдек, ушбу комиссия ва гуруҳлар тавсияси билан ишловчи хотин-қизларга сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилади. Бу йўналишда «Атлас» сиҳатгоҳи қўл келмоқда. Чунончи, жорий йилда ана шу гўшада камида 1500 аёлни соғломлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, вилоятдаги енгил саноат корхоналарида ҳомиладор аёллар учун бир талай имтиёзлар йўлга қўйилган.

Амалга оширилаётган ана шу тадбирлар ва имтиёзлар ҳисобига, деди суҳбатимиз ниҳоясида А.Набиев, мана учинчи йилдирки, тармоқ корхоналарида ишловчи хотин-қизларда касб касалликлари рўй бермаяпти.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Газетхон илтимосига кўра*

**— Маълумки, 2002 йилнинг 13 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг аввалгисидан фарқи ва аҳамияти ҳақида маълумот беришни сўраб таҳририятимизга кўплаб газетхонлар мурожаат этишганди. Шу боис мухбиримиз ЎзКУФКнинг юридик бўлими мудири Абдулла АЛИМУҲАМЕДОВГА мурожаат қилди.**

# ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

— Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири, бу фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жамиятда Конституция ва Қонун устуворлигининг таъминланишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш фуқароларнинг жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг амалий шаклларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу қоидадан келиб чиқиб қабул қилинган қонунда фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга, ўзига ёки бир гуруҳ шахсларга таллуқли муаммони ҳал этишга, бузилган ҳуқуқини тиклашга оид ариза, таклиф ва шикоятларнинг берилиши, уларнинг давлат органлари, муассасалари томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши тартиби мустаҳкамлаб қўйилган.

Бозор иқтисодиётининг таркиб топиши, жамият тараққий қилиши билан юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар 1994 йилнинг май ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунини давр талаби нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни, унга бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб такомиллаштиришни тақозо этди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 13 декабрда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилиниб амалга киритилди.

Мазкур Қонун моддалари таҳрир ва қўшимчалар ҳисобига ўнтага ортиб 28 та моддани ташкил этди.

Шунингдек, қонуннинг 20-моддаси «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қабул қилинадиган чора-тадбирлар», 22-модда «Фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган иш таҳлили», 28-моддаси «Низоларни ҳал этиш» каби моддалар ариза ва шикоятлар кўриб чиқишдаги сансоларлик, расмиятчилик, ноҳақлик сингари ҳолатларга барҳам беради.

Бундан ташқари, эски қонунда назарда тутилган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати тўғрисидаги 18-модданинг чиқариб ташланганлиги давлат органларининг ариза, таклиф ва шикоятлар билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунининг 1-моддасида ушбу қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши кўрсатиб ўтилган.

Мазкур Қонунга асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб ЎзКУФК Раёсатининг 2003 йил 18 мартдаги 13-10 сонли қарори билан тасдиқланди. Эндиликда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги барча идоралар мазкур Низом талабларига биноан иш юритишлари лозимлиги белгилаб қўйилди.

**— Низомнинг умумий қоидалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Аввалам бор ушбу Низом республикамиз фуқароларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари идораларига мурожаатлари борасидаги муносабатларни тартибга солади. Мазкур Низомга мувофиқ фуқароларнинг мурожаатлари ариза, шикоят, таклиф кўринишида бўлиб, унинг оғзаки ёки ёзма шаклда эканлигидан қатъий назар бир хил аҳамиятга эгадир. Шунингдек, мурожаатлар якка тартибда ва жамоа томонидан ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда инсоннинг шахсий ҳаётига тегишли маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар агар фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, ва шу каби бошқа ахборотлар касаба уюшмалари идораларининг ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

**— Мазкур Низомга кўра фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклиф бериш ва уларни кўриб чиқиш муддатлари ҳақидаги фикр барчани қизиқтиради.**

— Фуқароларнинг аризалар, шикоятлар ва таклифлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян касаба уюшма идорасининг ариза, шикоят ва таклифини кўриб чиқиш имкониятига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруриятига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра бундай касаба уюшмалари идорасига ариза, шикоят ва таклифларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Юқори турувчи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшма идорасига ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил муддат ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи касаба уюшма идораси томонидан тикланади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган касаба уюшма идорасига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли касаба уюшма идораларига ёки тегишли давлат органларига жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун бошқа идораларга асоссиз равишда уларни бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган касаба уюшмалари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли идораларга юбориш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади. Шикоят ва аризаларни ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномаларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган касаба уюшма идорасининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин. Касаба уюшма идораси зарур ҳолларда мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак. Алоҳида ҳолларда, шикоят ёки аризани мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар касаба уюшма идорасининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши ҳам мумкин. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни касаба уюшма идорасининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, шикоят ёки таклифда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурияти юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари идорасига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча маълумотлар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли касаба уюшма раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

**— Айрим ҳолларда қалбакилаштирилган ҳужжатлар ва сохта маълумотлар асосида ҳам мурожаатлар берилиши мумкин...**

— Бу ўринда Низомнинг 6 бандида назарда тутилган талабга алоҳида эътибор бериш даркор. Мурожаатда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, истиқомат қиладиган доимий манзили ҳақида аниқ маълумот кўрсатилган бўлиши зарур. Шунингдек, ёзма мурожаат этувчи шахснинг имзоси ҳам бўлиши лозим. Акс ҳолларда «аноним», -деб ҳисобланган мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

Шахснинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, шикоят ва таклиф берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан ЎзКУФКга бирлашган касаба уюшмалари идоралари томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан, яъни, шикоят ёки ариза берган шахсдан суднинг қарорига биноан ундириб олинади. Умуман олганда Низомда бу борада ҳам шунга ўхшаш фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ бошқа қатор масалалар ўз аксини топган. Суҳбатимиз якунида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Низом ҳужжатлари ижроси устидан назоратни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашлари, тармоқ касаба уюшма Марказий ва вилоят қўмиталари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари идоралари ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

**Суҳбатдош:**
**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

***Мамлакатимиз ва Италия Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар йилдан йилга кенгайиб бормоқда. «Интерэкспо» компанияси Италиянинг Тошкентдаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этган «Экспо Италия-2003» тўртинчи кўргазмаси Ўзэкспомарказнинг 1-павильонида жорий йилнинг 20 майидан 23 майигача ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.***

*Мазкур кўргазмада аввалгиларидан кўра анча кўп компания иштирок этади, бу эса италиялик ишлаб чиқарувчиларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.*

# «ЭКСПО ИТАЛИЯ-2003»

*2003 йил кўргазманинг энг муҳим воқеаларидан бири Ташқи савдо миллий институтининг (ICE) қатнашишидир. ICE стенди Италиянинг турли ҳудудларидан 140 та компанияни тақдим этади. Булар, асосан, Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо муносабатларини кенгайтиришдан манфаатдор кичик ва ўрта корхоналардир.*

*Бу галги кўргазма аввалгилари каби ҳам Италия, ҳам Ўзбекистон томони учун талаб ва таклифни ўрганиш, бир-бири билан яқиндан танишиш, савдо айланмасини ривожлантириш ва Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий сармояни жалб этишга зарур шароит яратиш учун ажойиб имконият яратади.*

*«Экспо Италия-2003» кўргазмаси учта бўлинмага ажратилади: «Uzintermebel», «Agrotech», «Uzintex». Бу йил Ўзбекистон, Швейцария, Украина, Беларус, Туркия, Германия, Италиядан иштирокчиларни тўплаган кўргазма халқаро мақомга эга бўлмоқда.*

*2004 йилдан бошлаб «Интерэкспо» маҳаллий шериклар билан бирга «Uzintermebel», «Agrotech», «Uzintex» бир-биридан мустақил кўргазмаларини ўтказиб, уларни ҳақиқий халқаро ихтисослашган кўргазмаларга айлантиради. Айни пайтда «Экспо Италия» кенг истеъмол моллари, уй ва узоқ фойдаланиш учун товарларга ихтисослашиб, ўз ишини давом эттиради.*

*Йўл қоидаси — умр фойдаси*

# ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ

## ўз самарасини бермоқда

Фан-техника ривожланиб, турли автотранспорт воситалари сони тобора ошиб бораётган ҳозирги тезкор даврда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳар хил кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда беқиёс аҳамият касб этади. Бу борада Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан кўплаб ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Бошқарма томонидан турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Ўнлаб меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва ўқув муассасаларида учрашувлар уюштирилаяпти, семинар-машғулотлари ўтказиляпти. Хусусан, яқинда ниҳояланган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги мобайнида ЙҲХБ ходимлари пойтахтимиздаги 593 та турли ўқув муассасаларида, 295 та маҳалла ва меҳнат жамоаларида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Мазкур тадбирларда ўқув қўлланмалари, китоб ва плакатлардан унумли фойдаланилди.

– Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, айниқса, фарзандларимиз – боғча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўргатишда оммавий ахборот воситаларида қилинган турли чиқишлар ҳам муҳим рол ўйнайди, деб ўйлайман, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Р.Даминов. – Зеро, тадбир давомида телевидение ва радио орқали 617 та кўрсатув ва эшиттириш намойиш этилди, газеталарда 32 та мақола эълон қилинди. Бунда айниқса, Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» ва 4-каналлари раҳбарияти катта кўмак бердилар. Бу саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини беради, албатта.

Дарвоқе, «Камолот» ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда, маҳаллаларда, ўқув масканларида ўтказилган учрашувлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Бу йиғинларда ҳаракат хавфсизлиги ходимлари ёшларга қоидабузарликларнинг кўнгилсиз оқибатлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Шунингдек, тадбир режасига кўра пойтахтимиз кўчаларидаги кўплаб светофорлар таъмирдан чиқарилиб, 286 та янги йўл белгиси ўрнатилди.

Шу ўринда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламдаги саъй-ҳаракатларга қарамасдан турли қоидабузарликлар ҳам содир этилаётганини афсус билан таъкидлаш лозим. Бир ой давомида ўтказилган рейдлар пайтида автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан 55112 та турли кўринишдаги қоида бузиш ҳолатлари аниқланди. Шунингдек, 453 та автохўжалик текширувдан ўтказилганида 181 ҳолатда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида 485 та тақдимнома киритилди. 3 та ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув ташкилоти фаолияти талабга жавоб бермаганлиги боис тўхтатилди.

Айни кунларда шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари «Диққат, темир йўл кесишмаси!» деб номланган ойлик тадбирини уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Автохўжаликларда темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларига риоя қилиш бўйича суҳбатлар, учрашувлар ўтказиляпти. Бундан ташқари, тадбир натижалари ҳар ўн кун мобайнида таҳлил қилиниб, амалга оширилган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар берилиши ҳам кўзда тутилган.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**







Сурхондарё вилояти Денов туманида 15 апрелдан 15 майга қадар давом этган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги муваффақият билан якунланди. Мазкур тадбир давомида тумандаги турли ташкилот, муассаса ва корхоналарда, халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ва болалар боғчаларида, ўрта махсус билим юртларида, шу билан бирга кенг аҳоли ўртасида ҳаракат хавфсизлиги ходимлари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, туман ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари томонидан автотранспорт воситалари бошқарувчилари ўртасида тарғибот ишлари олиб боришга ҳам катта эътибор қаратилди. Натижада туман миқёсида ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларининг бузиш ҳолатлари анчайин камайди.

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

*Қонун барчага баробар*

# ФЕРМЕР ЕРИ ХЎЖАЛИККА ҚАЙТАРИЛДИ

Жарқўрғон туман ҳокимлигининг қарори билан «Бўри бобо» фермер хўжалиги ташкил этилди. Шундан сўнг Т.Шобуров номли ширкат хўжалиги ўз ҳудудидан тадбиркорларга 10 гектар ер ажратди. Бу ҳақда томонлар ўртасида тегишли ҳужжатлар имзоланди. Маълумки, фермер бўлиш, ер билан тиллашиб кўзланган миқдордаги маҳсулотни етиштириш осонмас. Бунинг учун омилкорлик, ташкилотчилик, деҳқончилик илмини яхши билиш каби жиҳатлар талаб этилади. Бахтга қарши қайд этилган фермер хўжалиги аъзоларида аввало омилкорлик, қатъиятлилик етишмади. Улар ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб, кимларнингдир мададига ишонган ҳолда фермерликка қўл уришганди. Ҳал қилувчи дамларда улар экинларни парваришлаш, об-ҳаво қийинчиликларини енгишнинг уддасидан чиқишмади. Боз устига бор маблағни ҳам йўқ қилишди.

Бозор талаби қатъий. Вақт ўтиши билан «Бўри бобо» хусусий хўжалиги аъзоларининг ожизлиги сезилиб қолди. Туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг маълумотига кўра, улар 1999 йилги контрактация шартномаси шартларини бажаришмади. 10 гектар майдондан 20 тонна ўрнига бор-йўғи 8,2 тонна, 2000 йилда эса 35 тонна ўрнига 2,6 тонна пахта хомашёси топширишга эришди, холос. Режа 7,4 фоизга уддаланганлиги ҳаммани ҳайратга солди. Бу демак, ернинг умри зое ўтказилганди. Маълумки, контрактация шартномаларининг 4,1-бандига кўра маҳсулотни белгиланган миқдорда топширмаса, фермерларга ана шу топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаши белгилаб қўйилган бўлса-да, негадир тайёрловчи мазкур жаримани ундирмаган.

Шундан сўнг «Ер ресурслари» бўлими «Бўри бобо» фермер хўжалиги томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва тегишли чора белгилаш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритди. Оқибат натижада иш вилоят хўжалик судига етиб борди. Тўпланган материаллар қонун асосида таҳлил этилди. Шундан сўнг даъво асосли эканлиги тасдиғини топди. Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 90-, 95-, 135-, 138-моддалари бўйича суд қарор қилди. Т.Шобуров номли ширкат хўжалиги билан «Бўри бобо» фермер хўжалиги ўртасидаги шартнома бекор қилинди. Ўртадаги ер майдони ширкат хўжалигига қайтарилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи кимсалар билиб-билмай ёки таваккал қилиб, фермерликка бел боғламоқдалар. Ахир бундан кимга фойда-ю, кимга зиён. Албатта аввало ишловчининг ўзига, қолаверса, хўжаликларга катта моддий ва маънавий зарар етказилмоқда. Бебаҳо бойлик – ернинг умри зое ўтказилаяпти. Ахир қанчадан-қанча омилкор, асл деҳқонлар фермер бўламан, деб ерли бўлиш орзусида куйиб-пишиб юрган бир пайтда учарлар ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам жабр қилиб ўтиришгани қанчалик тўғри. Бахтга қарши, бундай сохта тадбиркорлар туманда оз эмас экан. Мазкур ширкат ҳудудида ташкил этилган «Ботир Жабборов», «Абдурашид ота» фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари ҳам ширкат хўжалигига қайтариб берилди. Бу кимлар учундир сабоқ бўлиши керак.

**В.ХУДОЁРОВ,**
**Сурхондарё вилоят хўжалик суди судьяси**

# ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда*

## КОЛЛЕЖ ЕТИШТИРГАН ЧЕМПИОН

***«Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида Конимех туманида бир талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, ёшларга касб-ҳунар ўргатишда жаҳон андозалари талаби даражасида фаолият юритишга ҳаракат қилаётган қишлоқ хўжалиги коллежидаги ишлар ибратлидир.***

Бу ерда 50 нафардан ортиқ малакали педагоглар ёшларга турли соҳа бўйича сабоқ бериб келмоқда. Ўқув даргоҳининг барча фан кабинетлари лингофон ва компьютер билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқариш машғулотлари ҳам замонавий техника воситалари асосида олиб борилади. Коллежда ҳамкорлик асосида иш юритилиб, талабалар маҳоратини ошириш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Туман меҳнат бўлими ана шундай ҳамкорлардан бири. Масалан, ўтган мавсумда улар иштирокида уй-жой жиҳозлари, стол-стуллар каби аҳоли эҳтиёжибоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шулар қаторида вилоятдаги барча туманлар билан ишлаб чиқариш борасида коллежнинг истиқболли шартномалари мавжуд. Ўқув юртида ёшларнинг маданий дам олишлари учун ҳам шарт-шароит яратилган. 100 нафар кишига мўлжалланган ётоқхона, 80 ўринли ошхона, кутубхона, спорт иншоотлари шулар жумласидан.

Коллеж талабаси Е.Аҳмедов ёшлар орасида ўтказилган бокс бўйича мусобақада Республика чемпионлигини қўлга киритди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Б.Расулов кураш бўйича вилоятда ғолиб бўлди.

Жамоанинг келгусида амалга оширилиши лозим бўлган истиқболли режалари ҳам бир талай. Тажриба ер-участкасини кенгайтириш, ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатишни янада такомиллаштириш ва энг муҳими, педагог-ўқитувчилар маҳоратини ошириш каби юмушлар шулар сирасига киради.

**Э.ТЎРАЕВ,**
**жамоатчи мухбир**

## БАРЧА УЧУН БИРДЕК ФОЙДАЛИ

Ҳаракат хавфсизлигига риоя этилмаганлиги ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишларининг сустлиги жамоатчи мухбир натижасида ҳар йили кимлардир оламдан кўз юммоқда.

Техника ривожланган ҳозирги шароитда ҳушёрлик бой берилса, ҳар хил кўнгилсиз ҳодиса содир этилиши мумкин. Шу боис, республикамизда анъанага айланиб бораётган «Ҳаракат хавфсизлиги» ойлиги нафақат йўл ҳаракати хизмати мутасаддиларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам мавжуд қонун-қоидаларга амал қилиб, уни таъминлашга даъват этди.

Сирдарё вилоят ички ишлар бошқармаси тасаррруфидаги йўл хизмати мутасаддилари «Ҳаракат хавфсизлиги» ойлигининг кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш мақсадида алоҳида йўриқнома асосида фаолият олиб борди.

Мавжуд мактаб, болалар боғчаси ва ўқув юртларида ички ишлар бўлимларининг мутасаддилари иштирокида ўқувлар, семинар-кенгашлар ва учрашувлар ташкил этилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Ана шу тадбирлар самараси ўлароқ йўл билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар аввалги ойларга қараганда бир неча баробарга камайди. Айниқса, вилоятнинг Сирдарё, Гулистон, Боёвут ва Ховос туманларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш наъмунали ўтди.

**С. СУЛТОНОВ,**
**меҳнат фахрийси**

Наманганда аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни бартараф этиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилаяпти. Яқинда шаҳарнинг Бобур боғида вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда кўплаб ёшлар иштирок этишиб, ўз мутахассислари бўйича муқим иш ўринларига эга бўлишди.




## МУНОСАБАТ

- ***Жорий йилнинг тўрт ойида таҳририятга 1000 га яқин хат келди.***
- ***Уларнинг деярли 700 таси газетада эълон қилинди.***
- ***Олинган шикоят, аризаларнинг умумий сони 150 тани ташкил этди.***
- ***Шикоят ва аризалар асосида 70 га яқин танқидий мақолалар тайёрланди.***
- ***Мактубларнинг 40 тасига кўтарилган муаммолар ижобий ҳал этилганлиги тўғрисида жавоб хати олинди.***

*Куюнчак дил изҳори*

## СУВНИ ТЕЖАЙЛИК

Мустақил Ўзбекистон кенг имкониятлар мамлакати. Табиий бойликларимиз кўплиги барчага маълум. Бироқ, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, ҳаёт манбаи бўлмиш сувни қадрлашимиз керак. Не бахтки, сув таъминотини яхшилаш масаласи республикамиз ҳукуматининг доимий диққат-марказида. Бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган, катта маблағ ажратилган. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли олис қишлоқларимизнинг аксарияти ичимлик суви билан тўла таъминланди.

Кейинги беш йил ичида Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини роҳатижон оби ҳаёт билан таъминлаш 11 фоизга кўпайди. Хоразм вилоятида эса бу кўрсаткич янада юқори – 32 фоизни ташкил этди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари саноат корхоналаридан чиқадиган оқава сувлар таркибини мунтазам равишда кузатиб бормоқда. Шундай бўлса-да, муҳим масалага панжа орасидан қараётган баъзи кимсаларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги оқибатида оқава сувларга зарарли чиқиндилар оқизилмоқда. Кимларгадир дакка беришлар, жарима солишлар кор қилмаётир. Саноат чиқиндиларида тирик организм учун хавфли бўлган ҳар хил кислоталар, зарарли моддалар бўлганлиги учун саломатликка жиддий зиён етказмоқда. Яна шундай ҳолат кузатилади, қаердадир сув тармоқларидан оби ҳаёт бекорга оқиб ётганлигини кўра-била туриб ўзимизни кўрмаганга олиб ўтамиз. Ахир, бебаҳо бойлик исроф бўлаяпти-ку, бунинг учун қанча куч, маблағ сарфланган, дея ўзимизга-ўзимиз савол бермаймиз. Бойликларимизни қадрлайлик, улардан расамади билан фойдаланишни ўрганайлик. Акс ҳолда бу борадаги хатолар бир вақти келиб қимматга тушиши мумкин.

**Ҳулкар ЮНУСОВА,**
**Нигора НАЗАРОВА,**
**Тошкент Молия институти талабалари**

## БИР ХЎЖАЛИК ЦЕХЛАРИ

***Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги ишчи ўринлари барпо этиш масаласи инфратузилманинг бош омилларидан бири. Ана шу дастур асосида Избоскан туманида ҳам хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда***

Хусусан тумандаги Пойтуғ ширкат хўжалигида салкам назардан чиқаёзган клуб таркибида барпо этилган цехлар бунинг мисолидир. Ширкат раҳбарияти саъй-ҳаракати туфайли ана шу клубнинг бир қисмида пойабзал тикиш, болалар кийим-кечаклари ва гилам тўқиш цехи ишга туширилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда бу цехларда хўжаликнинг 70 нафардан зиёд ёшлари меҳнат қилиб, аҳолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

**Б. ИСМАТУЛЛАЕВ**

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲИСОБИГА

**Бекободда 1000 та янги иш ўринлари яратилди**

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, шу йўл билан аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш масаласи Бекобод шаҳрида яхши йўлга қўйилган.

Ўтган даврда бу ерда 100 га яқин кичик ва ўрта корхоналар ташкил қилинди. Саккиз юз нафардан зиёд киши эса якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Натижада ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланиб бораяпти.

Масалан «Хайрли мақсад» хусусий корхонасининг айни вақтда олиб бораётган ишларидан аҳоли мамнун. Мазкур корхона асосан чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, анчагина кишини фойдали меҳнатга жалб этган. «Ҳамиджон» кичик корхонаси эса маҳсулот таннархини камайтиришдан ташқари, аҳоли талаби ва эҳтиёжини қондиряпти. Аниқроғи, бу корхонада тайёрланаётган полиэтилен маҳсулотлари иссиқхоналар ва уй-жой деразаларни қоплаш учун асқотяпти.

Тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига маҳаллаларда ободонлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Ана шу жойларда истиқомат қилаётган аҳолини доимий иш билан таъминлаш имкониятлари кенгаймоқда. Масалан, «Андижон» маҳалласида олиб борилган тадбиркорлик туфайли бу ерда ҳар томонлама ихтисослашган замонавий тикиш-бичиш корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу 140 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

Умуман, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга аҳамият қаратилганлиги боис, шу кунгача минг нафардан зиёд киши ишли бўлди.

**А. НЕСТРЕНКО,**
**Тошкент вилояти**

## ЁЗ ТАРАДДУДИ

Экологик мураккаб шароитда яшаётган Оролбўйи болаларининг республикамиздаги энг яхши, баҳаво оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш анъанага айланиб бормоқда.

Хусусан, ўтган йилги мавсумда Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятининг 700 нафардан зиёд мактаб ўқувчиси Андижон вилоятидаги энг сўлим ва хушманзара оромгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклади.

Жорий йил мавсумида ҳам вилоятнинг Хонобод шаҳрида жойлашган «Нур» соғломлаштириш оромгоҳи 800 нафар ўғил-қизни ўз бағрига қабул қилиш учун ҳозирданоқ тараддуд бошлаб юборди.

Бу ерда болажонларнинг маданий дам олиб, билимларини мустаҳкамлаш ва соғлиқларини яхшилаш учун шароит яратилмоқда. Спорт иншоотлари қайта таъмирланиб, улар тури кўпайтириляпти. Шунингдек, кутубхоналар болалар адабиёти билан таъминланди, ётоқхоналар, ошхоналар таъмирдан чиқарилди.

Энг асосийси, жорий мавсумда ҳам дам олувчилар махсус транспорт хизматидан фойдаланиши ҳамда шу ернинг ўзидан тўғридан-тўғри Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти билан алоқа ўрнатиш учун телефон хизмати йўлга қўйилди. Яна бир жиҳати мавсумда тарбиячилар, педагог-ўқитувчилар ва бошқа хизматчилар танлов асосида қабул қилинади.

**А.БОБОЕВ,**
**Андижон вилояти**

## ГУРИЛЛАЙВЕР ТЕГИРМОН

«Намангандонмаҳсулот» корхонасида тегирмон цехи реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Уни қайта жиҳозлаш жараёнида «Ўздонмаҳсулот» акционерлик корпорацияси ва республика «Ғаллабанк»нинг кўмаги катта бўлди. Тегирмон Швейцариянинг «Бюлер» фирмаси лицензияси асосида Россия Федерацияси ва Украинада ишлаб чиқарилган энг замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозланди. У бир кеча-кундузда 250 тонна донни янчиб, импорт ўрнини босадиган уч хилдаги юқори сифатли ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Бир йиллик қуввати эса 60 минг тонна бўлиб, пулга чаққанда 9 миллиард сўмни ташкил этади.

**Ж.ОБИДОВ**





## ХОРАЗМНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИ

*Хотира*

Мустақиллик кенг имконият яратди. Айни вақтда Ўзбекистон билан ўзаро иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятида кўплаб хорижлик тадбиркорлар ташриф буюриб, қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Ванақи, унинг жагини таъбир фуқаро танимиз равпорлоқ келаминлашга ҳар қўлдан келганча ўз ҳиссасини қўшяпти.

Бироқ мустақил юртимиз ривожи ва унинг гуллабяшнашини кўролмайдиган, ҳар бир ўзгариш ва ютуқларимизга ҳасад билан қарайдиган ғанимлар ҳам афсуски йўқ эмас.

Хоразм вилоятининг Саримой қўрғонида Саъдулла Бобожонов бошчилигидаги ярамас гуруҳнинг осуда ҳаётимизга раҳна солишга қаратилган ёвуз режаси ўша пайтнинг ўзида барбод бўлди. Аммо қуролланган жиноятчиларни йўқ қилишда халқимизнинг мард ва жасур ўғлонлари – Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари Сергей Давидов, Эркин Гаязов, Сергей Нечупаренко ва вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходими Фарҳод Собировлар ҳалок бўлишди. Жиноят жазосиз қолмайди. Террорчи гуруҳ аъзолари ҳам қонун олдида жавобгарликка тортилди.

Халқимиз мард фарзандларини ҳамиша юксак қадрлайди ва улар хотирасини ёдда сақлайди. Яқинда Урганч ва Питнак шаҳарлари, Хазорасп, Урганч туманлари ҳокимликларининг қарорига кўра ана шу жойлардаги асосий кўчалар мард ўғлонлар номи билан юритиладиган бўлди.

**Ҳ.ЖАББОРОВ,**
**Хоразм вилояти**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## МАОШ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

***Иккинчи бир шикоят хати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тасарруфидаги Иқтисодий ислоҳотлар, бюджет, банк, молия сиёсати ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари қўмитасининг раиси А.Зарекеев имзоси билан жавоб олдик. Унда иш ҳақидан қарздорликка барҳам берилаётганлиги хусусида шундай дейилади:***

– «Юнивер» қўшма корхонаси ишчиларининг таҳририятга йўллаган аризалари ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:

Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан ана шу қўшма корхонага жорий йилнинг 1-16 апрел кунлари 47,9 миллион сўм иш ҳақи учун нақд пул ҳисобида тўланди. Шунингдек, ишчилар 3.5 миллион сўм миқдорида меҳнат ҳақларини пластик карточкаларига ўтказди. Банк томонидан иш ҳақлари ўз вақтида берилиши доимий назоратга олинди».

Жавоб хатларини ўқиб, масала ижобий ҳал этилишига газета ҳам озми-кўпми ҳисса қўшаётганлигидан қувонсак-да, кўнгилдаги ҳижолат тугуни барибир ечилмагандай туюлаверади. Чунки шикоят ва аризаларда меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига жойлардаги айрим ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг эскича иш услубидан ҳамон қутила олмаётганлиги сезилиб қолмоқда.

Юқоридаги икки шикоят хати ҳам худди шу сабаб билан газетага йўлланган эди. Лекин ана шу масалани оворагарчилик ва асаббузарликларсиз ҳам ҳал этса бўларди-ку?! Наҳотки, ташкилот ва корхоналар, ёҳуд туман ҳокимликлари доирасида ечимини топадиган масалаларга республика ташкилотлари аралашиши шарт бўлса?!

Мустақилликнинг олий мақсадларидан бири – халқимизнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш, инсонга наф келтиришдан иборат. Фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил интилаяпмиз. Насиб этса, яқин келажакда жойлардаги бу каби ҳолатлар мутлақо барҳам топишига шубҳа йўқ.

Яна бир гап: жавоб хатларининг айримларида кишини ўйлантирадиган мавҳум ва жумбоқли жиҳат бор. Яъни уларнинг аксарияти газета аралашувидан сўнг ўзининг ижобий натижасини топмоқда. Бироқ йўл қўйилган камчилик ва қонунбузарликка сабабчи бўлган раҳбарларга нисбатан тегишли чора қўлланилганлиги ҳақида лом-мим дейилмайди.

**Хатлар ва оммавий ишлар бўлими**

***Саҳифани тайёрлади: Абдусами Ҳақбердиев, «Ишонч» мухбири***

## БУ КИЙИМЛАР АНДИЖОНДА ТАЙЁРЛАНГАН

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

***Андижонликлар дид билан кийинишга одатланишган. Йигит-қизларнинг эгнидаги бежирим тикилган чарм курткалар, плашлар қуйиб қўйгандек ярашиб турибди. Вилоятда чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга тушгач, андижонликлар ана шундай кийим-кечак, пойабзал маҳсулотларига ёлчиб қолдилар. Муҳими маҳаллий хомашёдан ўзимизда ишлаб чиқариляпти.***

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда фаолият юритмоқдалар. Иш берувчи билан ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномасида ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратиш, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадларни чўғини меҳнат муҳофазаси, иш ҳақини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириш устувор вазифа қилиб қўйилган.

Бу ерда дастлаб 34 хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 74 хилдаги чармдан тайёрланган кийим-кечак ва пойабзал маҳсулотлари ҳаридорларга етказилиб берилмоқда. Бу жамоанинг бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаб ва таклифидан келиб чиқиб иш юритиш самарасидир.

Хайрли ишларнинг бошида турган раҳбар Тўлқинжон Қўчқоров Андижон тамғаси босилган корхона маҳсулотларини жаҳон бозорида кўз-кўз бўлишини орзу қиларди.Бошқачасига айтганда, хорижбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўрни яратиш, замонавий қувватларни ишга солиш, маошга барака эканлигини у яхши тушунарди. Яна бир томони жамоа шартномасида ҳам меҳнат унумдорлигини оширувчи омиллар-технологияни янгилаш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, чет эл инвестициясидан самарали фойдаланиш ижтимоий ҳимоянинг кафолати эканлиги кўрсатилганди.

Натижада «Узсаноатбанк» да 600 миллион сўмликка яқин кредит линияси очилди. Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкидан ҳам 2.527 минг АҚШ доллари миқдорида қарз олинди. Бу кредитлар ҳисобига Германиядан шовқинсиз ишлайдиган тикув-бичу дастгоҳлари, Япониядан ускуна ва жиҳозлар харид қилинди.

Касабақўм ишчиларининг касб махоратини ошириш, қайта тайёрлаш, иш берувчи эса бу юмушларни молиялашга киришди. Кўп ўтмай, корхонада «хорижий маслаҳатхона» фаолият бошлади. 73 нафар ишчи Туркияда қайта тайёрловдан ўтиб келди. Маслаҳатхонада 2 нафар туркиялик талаб ва таклифларни мониторинг қилиш, маркетинг усуллари, замонавий дизайн техникаси ҳақида модельерларни ўқита бошлади.

Бугунги кунда ишчилар хавф-хатарсиз, чароғон цехларда меҳнат қилишаётир. Иш ҳақи ҳам шунга яраша. Ишчилар тушликда мазали таомлар, иш унумига қараб қўшимча имтиёзлар билан сийламоқда. «Наврўз» ва бошқа халқ шодиёналарида қариялар, кам таъминланган оилалар учун хайрия дастурхони ёзиш анъанага айланган. Эътиборлиси, маош тўловларида узилишлар йўқ.

Қаердаки меҳнат кишиси ардоқда бўлса, ўша ерда жамоанинг юки ерда қолмайди. Самарқанд, Бухорода очилган диллер дўконларида Андижон тамғаси босилган, катталар ва болаларнинг хушбичим либослари қўлма-қўл. Италия, Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам корхона маҳсулотларига қизиқиш катта.

Фарғонадаги «Узсаламандра», Тошкентдаги «ВИАСО» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси билан қўшничилик давом этяпти. 2002 йилда уларга 86 миллион сўмлик хиром тери берилди. Арзон ва сифатли халқ истеъмоли молларининг ҳамма ерда бозори чаққон. Бу борада модельер Муборакхон Мирзаева, тикувчи Гулнорахон Каримова, бичувчи Мушарафхон Ўсароваларнинг баракали улуши бор.

Тери маҳсулотлари аҳолидан, асосан чорвачилик йўналишида ишлаётган фермер хўжаликларидан келишилган нархларда сотиб олиняпти. 2003 йилда ҳамкорлар билан 1,5 миллиард сўмлик шартнома имзоланган. Тери маҳсулотлари ошланиб, қайта ишланиб ундан йилига ўртача 500 минг донага яқин чарм маҳсулотлари мижозларга етказиб бериляпти. Ўтган йили 400 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари дўкон пештахталарига чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични салкам 500 миллион сўмга кўпайтириш мўлжалланган.

Хорижга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми тобора ошиб бораётганлиги тахсинга сазовор. Ўтган йили 70 минг АҚШ доллари ҳисобида хорижий шерикларга чарм маҳсулотлари юборилди. Бу йил бу рақам икки ҳиссага кўпайиши кутиляпти.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Собиржон РЎЗИМАТОВ**



«Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бошқармаси жамоаси кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Аждодларимиз томонидан яратилган қадимий ёдгорликларни ўрганиш бўйича қилинаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Яқинда жамғарма жамоаси Касби туманидаги Султон Мир Ҳайдар ота мажмуасида бўлиб, азиз қадамжони зиёрат қилдилар, ўрганишлар олиб бордилар.

**Суратларда: Шарофат Ашурова мутахассислар билан ўзаро фикр алмашмоқда; мажмуанинг умумий кўриниши.**

**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**



# «ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ»

## журналининг 2003 йилдаги биринчи сони ўқувчиларга

У бош муҳаррир З.Мунавваровнинг «Маҳалла – демократия мактаби» мақоласи билан бошланган. И.Жумаевнинг «Ватан ичра жон Ватан» шеъри ва А.Юнусовнинг «Ношукур бўлмайлик!» мақоласи ҳам маҳалла одобига бағишланган.

Таниқли дин арбоби Раҳматулла қори Обидовнинг мақоласида Қуръони каримнинг муборак номлари оятлар асосида талқин этилган. Ҳиндистонлик олим Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» («Имом Бухорий сийрати») номли китобидан берилган парчаларда ал-Бухорий «Саҳиҳ»ининг Муслим «Саҳиҳ»идан афзаллиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўқувчи илм ва уламоларнинг фазилати, ота-оналар ҳақи ва фарзандлик фазилатлари ҳамда жисмоний тарбия ҳақидаги ҳадислардан баҳраманд бўлади. Мюнхен (Германия) университети профессори Р.Пичнинг мақоласида эса Ҳожи Абдуллоҳ Ансорийнинг (1006-1089) ҳаёти ва мероси ҳақида сўз боради.

«Замима» тазкира нима? «Насуҳ тавбаси» билан боғлиқ қандай ривоят мавжуд? Алишер Навоий меросини ўрганишга бағишланган луғатларда қайд этилмаган бундай нозик саволларга жавобни С.Ғаниеванинг «Мажолис-ун-нафоис» ва «Замима» тазкираларидан бири» ҳамда ёш олим М.Абдулхайровнинг «Навоийшуносликнинг муҳим қирраси» мақолаларидан топишингиз мумкин. «Хатти Бобурий» ҳақида нима биласиз? У қачон ихтиро этилган ва неча ҳарфдан иборат? Мазкур хат тури билан боғлиқ маълумотларни Н.Жабборовнинг «Хатти Бобурий алифбоси» мақоласидан билиб оласиз.

Соҳибқирон Амир Темурга султон Фараж томонидан йўлланган ва ўзбек ўқувчисига илк бор ҳавола этилаётган нома ҳам журналхонларни бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз. Ушбу мактубни ёш арабшунос А.Садриддинов таржима қилган.

Журналда, шунингдек, Бухорода ўтказилган «Қўлёзма ва тошбосма китобларни тўплаш, сақлаш ва ўрганиш муаммолари» мавзуидаги илмий-назарий конференция ва Чустдаги «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби» китобининг тақдимоти ҳақида ҳикоя қилинган.

«Акс садо» рукнидаги мақолада С.Баротовнинг «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналини қандай топиб олганлиги ҳақидаги эҳтиросли мулоҳазалари билан танишасиз.

Журнал ичидаги «Имом ал-Бухорий авлодлари» ёшлар журналининг «Одамийлик зийнати» мақоласида ҳам қатор қизиқарли мақолалар ўрин олган. Хусусан, унда ўқувчилар «Жанубий Кореяда ислом» (Ш.Собитов) мақоласи билан танишишлари мумкин.

Мазкур сон маънавий мерос, тарих, фалсафа ва бошқа фанларга оид аниқ маълумотлар ва рангли безаклар билан зийнатланган қирққа яқин мақолаларни ўзида мужассам этган кони зиё сабоқлардир.

# ЭКСПОЗИЦИЯ

## фахр-ифтихор ва келажакка ишонч туйғуларини уйғотади

Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг янги экспозициясида намойиш этилаётган ёдгорлик, ҳужжат, ашёвий далил ва тасвирий воситалар мамлакатимиз ҳудудидаги тарихий-маданий жараёнларнинг энг қадимги даврларидан бошлаб ҳозирга қадар бўлган тараққиётини белгилаб бериш билан бирга юртимизнинг жаҳон тарихида тутган муҳим ўрнини ҳам яққол кўрсатади.

Музей экспозициясидан Ўзбекистон ҳудудидаги илк тош даври маданияти ва антик давр цивилизацияси тараққиёт жараёнларига кенг ўрин берилган. Чунончи, турли маданият ўчоқларидан топилган қадимий осори-атиқалар Бақтрия ва Хоразм каби илк давлатлар тарихидан сўзласа, аждодларимизнинг эрамиздан аввалги I ва эрамизнинг I минг йилликларида маданияти юқори бўлганлигидан дарак берувчи ашёлар ҳам ҳеч кимни беэътибор қолдирмайди.

Музейда мамлакатимизнинг кейинги тараққиёт босқичлари, хусусан, мустақиллик йилларида эришилган оламшумул ютуқлар ёзув, турли-туман чизмалар, хариталар, суратлар, рангтасвир воситалари орқали намойиш этилган. Марказий паннода дунёнинг сиёсий харитаси ишланган бўлиб, ундан Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари, Ватанимиз билан дипломатик муносабатлар олиб бораётган мамлакатлар хусусида кенг маълумот олиш мумкин. Зеро, мустақиллик шарофати туфайли ана шундай шарафга-истибдод мафкураси тазйиқи остида атайин бузиб кўрсатилган она тарихимиз саҳифаларини холис, ҳалол ўрганиш ва ёритиш ҳамда тарғиб этиш имкониятига эга бўлдик.

Музей экспозициясининг энг сермазмун ва бой бўлимларидан бири давлатимиз томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсий-иқтисодий алоқаларга бағишланган. Бу мавзу ҳам истиқлол билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон бугунги кунда 124 та хорижий давлат билан дипломатик муносабат ўрнатган. Пойтахтимиз Тошкентда 35 дан ортиқ давлатларнинг элчихоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт асридаги муҳим устувор йўналиши бу, жамият маънавий янгиланишини янада ривожлантириш, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва таълимни юқори босқичга кўтаришдан иборат. Музей экспозицияларидан ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган тадбирларга бағишланган кўплаб экспонатлар ўрин олган. Ана шундай экспозиция марказига истиқлол йилларида жаҳон миқёсида катта тантаналар билан номи тикланган буюк ватандошимиз Исмоил ал-Бухорий қадамжосининг макети ўрнатилган.

Бир сўз билан айтганда, музей экспонатлари ҳамюртларимиз, айниқса, ёшлар қалбида тарихдан фахрланиш ва келажакка ишонч туйғуларини уйғотади.

**Аюбжон ҚОСИМОВ,**
**Ўзбекистон тарихи Давлт музейи илмий ходими**

*Тарихий хотирасиз келажак йўқ*

# ТОЛЗОР ЯҚИНИГА ҚУРИЛГАН ДОР

## ёхуд Дукчи Эшон ҳақида нима биламиз?

***Дукчи эшон ғазовотига 105 йил тўлди. Узоқ вақт давомида унинг фаолияти қора бўёқлар билан тасвирланиб келди. Фақат мустақиллигимиз қўлга киритилгандан кейингина Муҳаммадали халфа ва унинг сафдошлари инқилобчи сифатида танила бошланди.***

Эшоннинг стихияли ғазовотида бор-йўғи 21 та рус ҳарбий аскари ўлдирилиб, ўн нафари ярадор қилинган эди. Бироқ бу исённинг сабабчилари деб тахмин қилинган минглаб оддий халқ Россия ҳарбий дала судининг қурбонига айланди. Ғазовот қилинган куннинг эртаси, 19 майда ҳарбий кучлар йиғилгач, Мингтепа, Тожик, Қашғар ва Ўқчи қишлоқларида учраган эркак зоти борки ҳеч қандай сабабсиз отиб ташланган. Уларнинг яшаш манзиллари тўпга тутилиб, теп-текис қилинди. Фақат оқпошшодан «одамлар қонунсиз ўлдирилмасин» деган буйруқ келгачгина суриштирилмасдан отиш тўхтатилган.

Туркистон бош губернатори генерал лейтенант Духовский ҳибсга олган шахсларнинг ҳар қандай шикоят ва норозилик хатларини, арзномаларини қатъиян бекор қилди. Подшоҳи аъзам кўрсатмасига биноан 1898 йил 11 июнда ўтказилган муваққат ҳарбий суд генерал майор Терентьев раислигида олиб борилган. Бу судда Муҳаммадали халфа, Ғойибназар, Субҳонқул, Рустамбек, Бўтабой, Мирза Ҳамдам каби исёнчилар ўлим жазосига ҳукм қилинди. Эртаси 12 июнда эса миршаблар бутун шаҳар музофотларини айланиб, аҳолини, шу жумладан, болаларни, Толзор яқинига қурилган дор атрофига йиғадилар. Эшон ўлими олдидан йиғилганларга қараб: «Мен халқимни деганим учун ўлаяпман» деган гапнигина ҳайқириб айта олган.

Исёнчиларнинг иккинчи гуруҳи 28 июнда, учинчиси 9 июлда, тўртинчиси 13 июлда, бешинчи ва олтинчи гуруҳи 15-17 сентябрда суд қилиниб, яна 13 киши осиб ўлдирилган. Бу қўзғолондан кейин жами 800 га яқин киши ҳибсга олинган. 350 га яқин маҳбус 4 йилдан 20 йилгача муддатга қамоқ жазосига тортилган. Фақат судда 32 кишигина айби тасдиқланмай, озод этилган. Маҳбусларнинг барчаси аввал Москвага тўпланиб, сўнгра Сахалин ва Сибир қамоқхоналарига тарқатилган. Орадан бир йил ўтмай, октябр ойларида 100 нафарга яқин маҳбус очлик, касалликдан ва совуққа чидай олмай, ҳаётдан кўз юмган. Бедодликни қарангки, қамалганлар орасида умуман гуноҳсиз кишилар ҳам бор эди.

Ачинарлиси шундаки, мустамлакачилар Дукчи Эшон юриб ўтган Найдик, Қушчи, Хаканд, Дўнг, Кулла, Равот, Дархон, Барак, Сарикуй каби қишлоқларни аниқлаб, уларни ҳам қўзғолончилар сафига тиркамоқчи бўладилар. Жумладан, генерал Карольков шу хусусда ҳарбий вазирликка ёзган мактубида қўзғолончилар ўтган 30 чақирим йўлда яшовчи жами уч мингдан ортиқ оилани жазо тариқасида Россиянинг жанубига кўчириб юборишни, уларнинг ўрнига русларни кўчириб келтиришни сўраган. Карольков шу йўл билан ўлкани руслаштиришга ҳаракат қилган. Яхшиямки, ҳукмдор бу таклифни маъқул топмади. Суд қарорига мувофиқ Мингтепа, Қашғар ва Тожик қишлоқлари бутунлай бузиб ташланиб, ўрнига 200 оила яшайдиган рус посёлкасини бунёд этишга буйруқ берилди. Фарғона водийси аҳолисига 1 миллион сўм ҳажмида товон пули ундириш ҳам юклатилди.

Қисқаси, Мингтепадаги 780 оила уч кунда кўчирилиб, уларга 3-4 чақирим узоқдаги Дошноқдан жой қилиб олишга рухсат этилади. Мингтепа аҳолисини бутунлай Туркистондан бадарға қилмай, пошшо уларга марҳамат кўрсатгани учун бу янги қишлоққа «Марҳамат» деб ном қўйдилар. Бу туман ҳозир ҳам Андижон вилоятида шу ном билан аталиб келинади. Табиийки, янги жойга кўчирилган бу уч қишлоқ аҳолиси ўзларига ажратилган сувчиқмас, бўз жойга экин экишга улгурмай, ночор аҳволга тушиб қолган. Ёқилғи йўқ, узоқ давом этган қиш совуғи ва очликдан аҳолининг аксарият қисми нобуд бўлган.

Рус ҳарбий дала суди фақат қўзғолончиларнигина эмас, балки исёнга умуман алоқаси бўлмаган Муҳаммадали Эшоннинг 80 ёшдан ошган онаси Асалбиби Ортиқовани ҳам суд қилди. Судни шахсан Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковский олиб борди. Бош ҳарбий вазирлик Асалбибини ҳам гуноҳкор санаб, унинг барча оила аъзоларини маъмурий йўл билан сургун қилишга қарор қилади.

Муҳаммадали халфанинг Руқия биби, Тожи биби, Иснора биби, Ойимча биби каби хотинлари ва унинг ўн уч ёшли Мусулмонқул, уч ёшли Абдураҳим, етти ёшли Абдужалил, уч ёшли Ҳамро биби ва саккиз ёшли Неъматпошшалардан иборат беш фарзандини Россиянинг Пенза губерниясига сургун қилдилар. Ўша пайтда эндигина 20 ёшни қоралаган Ойимча Саидқулова Эшоннинг кичик хотини бўлиб, у эрта-индин кўз ёриши кутилаётган эди. Ойимчанинг онаси Ҳадия биби Розиқова оғироёқ қизидан ҳеч кўнгил узолмай, ўз ихтиёри билан сургунга бирга кетишга рози бўлди. Исёнкор ўғилнинг онаси Асалбиби йиғлай-йиғлай қаттиқ касал бўлгач, раҳми келган бир татар зиёлиси онанинг номидан мактуб ёзиб, уни оқ пошшога йўллайди. Хатда ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган бир кекса мусулмон аёлига шафқат қилиб, уни Фарғона воҳасига қайтишга ижозат беришини сўрайди. Бироқ, йўлтўсар ўғрилар хатни пошшо қўлига етказмасдан маҳкамадаёқ ҳал қиладилар. Асал биби 1900 йили 9 июнда умиди сўниб, Пенза шаҳрида вафот этади. Унинг жасадини мусулмон-татар қабристонига қўядилар.

Шундан сўнг 1902 йил қаҳратон қиш фаслида Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ҳамда Пенза шаҳар губернаторлиги биргаликда Россия ички ишлар вазирлигининг Полиция департаментига Эшоннинг хотинлари ва болаларини туғилиб ўсган юртига қайтариш хусусида махсус илтимос-сўровномасини юбордилар, бироқ бу ҳам ҳеч қандай самара бермади. Ички ишлар вазирлигининг статс-маслаҳатчиси Наливкин «...уларнинг Россия ҳудудидан юртига қайтарилиши мусулмон кишининг Каъбатуллоҳдан ҳожи бўлиб қайтишидан ҳам баттарроқ шов-шувни туғдиради» деган мазмунда жавоб мактубини йўллаган.

Мустамлакачилар халфа оиласининг ватанига қайтишига сургун муддати тугагач, 1904 йил 4 мартдагина рухсат берган. 8 ёшида сургун қилинган халфанинг қизи Неъматпошша 1954 йилгача ҳам Марҳаматда истиқомат қилиб турган. Ҳозир ҳам бу ерда сургун иштирокчиларининг фарзандлари яшайдилар. Уч ёшида Пенза шаҳрига итоб қилинган Абдураҳимнинг қизи Анор Раҳимова бугунги кунда Марҳаматнинг Ювош қишлоғида яшаётганлиги маълум. Унинг сургунда бўлган отаси ва амма, холаларининг Анорхонга айтиб берган гаплари бордир? Балки бобоси Муҳаммадали халфа туфайли бу қизнинг хонадонида ҳам қанча таъна-маломатлар кечгандир? Чунки Дукчи Эшон ўлдирилгандан кейиноқ, мустамлакачилар унинг номини абадий кир қилиш учун унга талончи-ўғри, бузуқ, фирибгар, босқинчи деган тамғаларни босган эди. Шундан кейин бирин-кетин танқидий асарлар, мақолалар, ҳажвий шеърлар яратила бошлаган.

Жумладан, Остроумов, Наливкин, Салковларнинг ғирт туҳматдан иборат китоблари босилди. Ҳатто Муқимийдек мумтоз шоиримиз, Сатторхондек зиёли ёзувчиларимиз замона зайли билан иш кўриб, халфага қарши танқидий руҳдаги асарларни ёздилар. Бу нарса шўролар даврида катта анъанага айлантирилди. Тўғри, Туркистонда 20-йилларга келиб, сиёсий муносабатлар бир мунча ўзгариб, уни миллий озодлик ҳаракати сифатида баҳоловчи қарашлар ҳам юзага келган эди. Ўшанда Фозилбек Отабекнинг «Дукчи Эшон воқеаси» номли ҳужжатли қиссаси яратилди. Кейинчалик, бу воқеа ҳақида ижобий фикр билдиришга мутлақо чек қўйилди. У ҳақда андаккина ижобий гап айтган одамларнинг бари қатағон қилинди. 80-йиллар арафасига келибгина «Дукчи Эшон воқеаси»ни маҳаллий олимлар миллий озодлик ҳаракати сифатида баҳолашга киришдилар. Бунга 1978 йил рус тилида чоп этилган Ф.Қосимбековнинг «XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғонадаги халқ ҳаракатлари тарихидан» деб номланган тадқиқоти, Алиназар Эгамназаровнинг Дукчи Эшонга бағишлаб ёзилган ҳужжатли қиссаси ва ниҳоят «Шарқ юлдузи» журналида босилган қатор мақолалар улкан кўтариш ясади.

Масалан, Қосимбеков Андижон ғазовотини қандайдир 15-20 дақиқалик кичик бир тўполон эмас, балки бутун водий аҳлини жунбушга келтириб, Еттисувдан тортиб Тўқмоққача, ундан Пржевалский уездларигача ларзага солган халқ кўтарилиши сифатида баҳолади.

Чиндан ҳам бу исён дабдурустдан бошланиб кетган оддий кўча жанги эмас эди. Унгача ҳам озодликни ўйлаб, мустамлакачиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаришга ундаган чиқишлар, қўзғолонлар бўлган. Жумладан, Андижонда 1876 йилда юзага келган Пўлатхон қўзғолони, 1878 йил мингтепалик Етимхон исёни, Олай Маликаси деб аталган Қурбонхон додхоҳ исёни, 1884 йилда Оқбуври эшонларнинг кўтарилишлари ва ниҳоят 1893 йилда Фарғонадаги Собирхон исёнлари бунга ёрқин далилдир. Бу қўзғолонларнинг бари турли даврларда, турли сабабларга кўра кўтарилган бўлса ҳам, бироқ уларнинг замири – мустамлакачилик зулмидан абгор бўлган халқни озод этишга қаратилган эди.

Дукчи Эшон тарихини ўрганувчи маҳаллий олимлар архив варақаларини чуқур текшириш билан бирга бу ҳақда хорижда холис фикр айтган тарихчиларнинг асарларига ҳам эътибор қила бошладилар. Жумладан, 1925 йилларда Туркистонда оз муддат яшаб, Андижон исёни билан танишган, сўнгра Парижда китоб ёзган Жозеф Кастанье бу қўзғолонни «Катта инқилобий ҳодиса» деб атаган. Бу ғазовотни у «чоризмнинг мустамлака сиёсатини ичдан қўпориб, пошшо тузуми таянчларига болта урувчи ҳаракат» деб баҳолади. Кези келганда, яна бир ҳақиқатни айтишимиз лозим. Мустақилликка қадар яратилган монография, академик тадқиқот ва дарсликларнинг барчасида Дукчи Эшон саводсиз, оми одам, ёзувни мутлақо билмайдиган чаласавод деб баҳоланиб келинган. Бундай қараш дастлаб рус зиёли, тарихчиларининг қарашларида шаклланган эди. Масалан, В.П.Сальков Қозонда нашр этилган китобида Эшонни қора халқдан фарқланмайдиган оми, маиший бузуқ бир шахс сифатида тасвир этади. Бироқ, бир талай фактлар бу фикрни бутунлай ёлғон эканлигини тасдиқлайди. Масалан, Андижонда ҳарбий суд раислиги лавозимида «қўзғолон иши»ни текширган тарихчи-олим генерал майор М.Терентьев 1906 йилда Санкт-Петербургда нашр эттирган «Ўрта Осиёнинг босиб олиниши тарихи» номли 3 жилдли китобида Муҳаммадали халфа уйини мусодара қилиш учун тинтув ўтказганда унинг уйидан 755 та ноёб китоблар чиққанлигини айтган. Бу китоблар Шарқ шоирларининг асарлари, фиқҳга доир адабиётлар, Қуръон ва Ҳадиси Шарифга тегишли асарлар ва Ислом тарихига дахлдор илмий қўлёзмалардан иборат бўлган. Академик В.В.Бартольд ҳам Эшон уйидан мусодара қилинган 300 дан ортиқ ноёб қўлёзма китобларни кўрганлигини айтади. Шу далилларнинг ўзиёқ Дукчи Эшон саводсиз, оми деган даъволарни чиппакка чиқаради. Мазкур китобларнинг аксарияти ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланмоқда.

Дукчи Эшон биз учун мустамлакачиларнинг зулм ва истибдодига қарши жангга кирган мард қўзғолончи сифатидагина эмас, балки миллий фожеаларимиз, йўқотишларимизни олдиндан кўрган зукко инсон сифатида ҳам қадрлидир. Бу қон тўкишлар беиз кетмади. У чоризм тузумининг босқинчилик ва зўравонлик сиёсатини жумла жаҳонга намойиш этиб берди. Худди шу қўзғолон зиёлиларимизнинг кўзини очиб, Туркистонда жадидлар ҳаракатининг шаклланишига озуқа берди. Улар истиқлолга эришиш учун аввал халқни маърифатли қилиш кераклигини тушуниб олдилар.

Дукчи Эшон мустамлакачилар айтганидек, диний ақидалар асосидаги содда халқни аҳмоқона ҳаракатга бошлаган мутаассиб эмас, балки уларни зулм ва адолатсизликка қарши жангга бошлаган миллий қаҳрамондир. Унинг номи Спитамен, Жалолиддин, Маҳмуд Таробий каби улуғ зотлар билан бир қаторда туришга ҳақли.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ҳамда Бухоро вилоятининг автотранспорт ва йўл қурилиш ходимларидан ташкил топган жамоалари Тиббиёт олийгоҳига қарашли спорт мажмуасига тўпландилар.

## РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Шуни қувонч билан айтиш жоизки, олти тур бўйича ўтказилган ҳудудий мусобақа ғоят муросасиз баҳсларга бўлди. Омад бухороликларга кулиб боқди. Тармоқ касаба уюшма аъзоларининг аҳил жамоаси мусобақанинг дастлабки кунидаёқ ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Айниқса, волейбол, стол тенниси, оилавий мусобақаларда юқори натижаларга эришилди. Бунда 25х33 автокорхона вакилларининг ҳиссаси катта бўлди.

Спартакиада ғолибларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Бухоролик спортчилар ғолиб сифатида шу йил июл ойида Тошкентда бўладиган республика спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Умид ниҳоллари - 2003»*

# ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

— Шоҳсупанинг завқи қанчалар тотли бўлса, унга етиш, эришиш шунчалар оғир, машаққатлидир. Бу довонни иродали, жасур, матонатли инсонларгина босиб ўта олади. Мамлакатимизда ташкил этилган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари ҳақида ўйласам, очиғи, беҳад хурсанд бўламан. Иложи борича, ушбу мусобақаларни кузатишга ҳаракат қиламан. Негаки, бу баҳслар минг-минглаб истеъдодларни кашф этувчи майдон эканлиги шубҳасиз.

**Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ,**
**бокс бўйича Олимпиада чемпиони**

# БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР

— Мана мен кучли йигирмаликка кирдим. Бу истиқлол шарофати билан биз, спортчилар учун катта имкониятлар яратиб берилаётганига боғлиқ. Шу маънода, «Умид ниҳоллари»дан юзлаб, минглаб чемпионлар жаҳонаро юз очишини башорат қилишим мумкин.

**Ирода ТЎЛАГАНОВА,**
**теннис бўйича ёшлар ўртасида Уимблдон турнири совриндори**

# УНУТИЛМАС КУН

Бугун юзлаб ўқувчи-ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар қалби ҳаяжонда, қувончда. Бу ёқимли ҳислар «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақаларининг зўр уюшқоқлик билан ўтказилаётганлиги сабаблидир. Дарҳақиқат, шу кунларда вилоятимизнинг 17 та спорт иншоотида 12 тур бўйича беллашаётган аълочи ва зукко ўқувчи-ёшлар ўзларининг жисмоний маҳоратларини ҳам намойиш этишмоқда. Албатта, энг аввало мусобақага пухта тайёргарлик кўрган жамоаларга, маҳоратли спортчи-ёшларга, бир сўз билан айтганда, кучлиларга омад кулиб боқади. Лекин шуниси аниқки, ушбу нуфузли мусобақада қатнашган ҳар бир ўқувчи, у ғолиб ёки мағлуб бўлишидан қатъий назар, ҳеч нарса ютқазмайди, балки ютади. Билъакс, ёшларимизда жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш, меҳр ортади ҳамда шу орқали баркамол авлод орзуси рўёбга чиқади.

Дарвоқе, мусобақага вилоятда катта тайёргарлик кўрилганлигидан, ёшларимиз учун энг замонавий ўйингоҳлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, волейбол ва баскетбол майдонлари каби спорт иншоотлари бунёд этилганлиги — вилоятимиз, қолаверса, мамлакатимиз спортининг келгуси тараққиёти учун пухта замин яратилганлигидан хабарингиз бўлса керак. Бизни хушнуд этадиган жиҳат, бу савобли ва муҳим ишга вилоят касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшди.

**М.РАҲИМОВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Хоразм вилоят қўмитаси раиси**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси «1-Заргарлик» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Султоновга турмуш ўртоғи

**МАВЛУДА опа**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Оникс» акционерлик жамиятининг «Оникс» санаторий-профилакторийсининг бош шифокори Малика Солихўжаевага опаси

**СОЖИДА ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар кичик, ўрта бизнес матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма Кенгаши жамоаси ва раёсати Яккасарой тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Машҳура Ходжаевага падари бузруквори

**НИҒМАТЖОН ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент вилоят касаба уюшма қўмитасининг раиси Мияссар Исмоиловага умр йўлдоши

**ЯҲЁ ака**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сирғали тумани ҳудудида жойлашган «Аҳмаджон-Яҳёхон» хусусий фирмаси тугатилди. Даъволар бир ой давомида

**қабул қилинади**

**ISHONCH**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.***

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6